

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 34 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ



Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!  
Қадрли ватандошлар!  
Авалло, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этаман.  
Ушбу кутлуг айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек гоят шарафли ва масъулиятли ишга бағишлаган, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, мамлакатимиз мус-

тақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини кўз қорачигидек асраб келаётган она юрт посбонларига яна бир бор юксак хурмат ва эҳтиром билдираман.  
Айни вақтда Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган қаҳрамон ўғлонларимизнинг хотирасига чуқур хурмат бажо келтираман.  
Бугунги кунда халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларда шавкатли Қуроли Кучларимизнинг, сиз-

ларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз сизларни буюк аждодларимиз анъаналарининг шонли давомчилари деб биламиз ва сизлардек Ватанга фидойи, душманга шафқатсиз, жанговар сафларда доимо хушёр ва курашга шай бўлган азму шижоат соҳиблари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, эл-юртимизга шундай довурак, ботир ва баҳодир фарзандларни тарбиялаб берган ота-оналарга, ҳарбий хизмат давомида барча қувонч ва ташвишларни улар билан баҳам кўриб келаётган оила аъзоларига ўзининг самимий миннатдорлигимни ихсоз этаман.

Қадрли дўстлар!  
Кейинги йилларда «Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида ортага қайтмас ислохотларимизнинг мустақкам қафолатларидан бирига айланиб бораётган Қуроли Кучларимизнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширяпмиз. Жумладан, бошқарув ва таъминот тизими такомиллаштирилиб, замонавий ахборот технологиялари асосида модернизация қилинмоқда, қўшинларимизнинг жанговар сафлари янгича таълим ва тарбия олган малакали офицер ва сержантлар билан тўлдирилмоқда.

Шахсий таркибнинг тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти изчил юксалтириб борилмоқда. Қуроли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқичма-босқич таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустақкам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган самарали ишларимиз қатъий давом эттирилмоқда.

Хозирги вақтда дунёнинг сиёсий ва ҳарбий харитасида қандай шиддатли ўзгаришлар юз бераётганини барчамиз кўриб, англаб турибмиз.

Тури минтақаларда геосиёсий вазият тобора мураккаблашиб, зиддият ва қонли тўқнашувлар кучаймоқда. Замонавий технологиялар, янги авлод қурол-яроғлари пайдо бўлмоқда, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг стратегия ва тактикаси янада такомиллашмоқда.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз келгусида жанг ва бошқарув усулларини замон талаблари асосида янгилаймиз, юқори малакали ҳарбий кадр-

ларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий таркибнинг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади.**

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, жумладан, сунъий интеллект асосида роботлаштирилган мажмуалар билан таъминлаш, қўшинларни бошқариш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнларига илғор ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишларнинг самарасини ошириб, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишларни кучайтираман. Бу борада давлат ва фуқаролик институтлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки этишига алоҳида аҳамият қаратаман.

**Ҳар бир ҳарбий хизматчи халқ билан армия – бир тану бир эканлигини, унинг ортида 38 миллионлик халқ тоғдек таянч бўлиб турганини доимо ҳис этиши, шундан қасбиз куч, руҳ ва мадад олиши керак.**

Ғайрат-шижоатда тенгсиз бўлган ҳарбийларимиз ёшлар олдида ҳеч қачон бош эгмаган қўрқмас ва ўтюррак аждодларимизнинг ўлмас меросини ўрганиб, улардан ибрат ва сабоқ олиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бундан буён ҳам шараф билан адо этадилар, деб ишонаман.

Азиз Ватан ҳимоячилари!

Мана шу ҳаяжонли дамларда ҳар бирингизни бугунги байрам билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, сизларга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустақкамлаш борасидаги олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Жонаҳон Ватанимиз ҳимояси йўлида ҳеч қачон толманг, ютуқ ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони

### Тараққиёт рақамларда

# ТУРИЗМ: 11 ойда МИЛЛИОНГА ЯҚИН САЙЁҲ

2025 йилнинг 11 ойида мамлакатимизга 10,7 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳ таширф буюрган. Уларга

## 4,4 миллиард доллар

миқдорида туризм хизматлари кўрсатилган. Қўшни давлатлар ва МДҲ мамлакатларидан келган сайёҳлар сони 2024 йилнинг шу даврига нисбатан **1,1 баробарга**, узоқ хориж давлатларидан келган сайёҳлар сони эса **1,5 баробарга** ошган.

Шунингдек, ўтган йилда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» ички туризми ривожлантириш дастури доирасида аҳолининг ҳудудларга

# 23,7

миллиондан ортиқ саёҳатлари амалга оширилган.



Ҳудудларда жами **954 та** жойлаштириш воситалари, жумладан, **128 та** меҳмонхона, **506 та** оилавий меҳмон уйи, **268 та** хостел ва **52 та** бошқа турдаги жойлаштириш объектлари фаолияти йўлга қўйилган.

Туризм маҳалла-лари ва қишлоқлари сони **32 тага** етказилиб, туризм ва унга ёндаш соҳаларда **16,1 мингга яқин** янги иш ўринлари яратилган.



### Фаолият

## Улар бизга ишонадилар

Киши бирон масалада ўйланиб қолса, ёрдамга муҳтож бўлса ёки муаммага дуч келса, қорига ярайдиган ишончли дўст қидиради. Бугунги кунда касба аъзолари ўзларини ўйлантираётган ҳар қандай масалада уюшмага мурожаат қилмоқда. Бу касба уюшмалари ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли оқлаётганидан дарак беради.

Урганч туманида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Дилдора Очилова уйига газ печи олишга қийналганида, умид билан касба уюшмалари эшигини тақиллатди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши унинг мурожаатини эътиборсиз қолдирмади. Қисқа фурсатда аёлга зарур газ печи олиб берилди.

Умуман, ўтган йили вилоят кенгашига келиб тушган 180 та мурожаатнинг барчаси қонуний ечим топди. Уларнинг аксарияти электрон шаклда юборилгани аҳолининг рақамли мурожаат қилиш маданияти тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Хусусан, шикоят-аризаларнинг 107 таси электрон, 58 таси ёзма, 15 таси оғзаки шаклда қабул қилинди.

Энг кўп масалалар ҳуқуқий ҳимоя билан боғлиқ бўлиб, жами 63 та мурожаат иш ҳақи ва бошқа тўловларни ундириш масалаларига тааллуқлидир. Бу ҳолат меҳнат муносабатларида қонунбузилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраётганини, касба уюшмалари эса ушбу муаммоларни бартараф этишда муҳим қўмакчи эканлини аниқлатади. Шунингдек, 53 та мурожаатда санаторий ва соғломлаштириш, 23 та мурожаатда меҳнат муҳофазаси, 15 тасида ижтимоий-меҳнат муносабатлари, 10 тасида моддий ёрдам акратиш ва 16 тасида бошқа масалалар акс этган.

Бундан ташқари, 2025 йил давомида ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида иш берувчиларга киритилган 5 та ёзма кўрсатманинг барчаси қаноатлантирилиб, қонун бузиллиш ҳолатлари бартараф этилди. Шунингдек, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларга киритилган 6 та даъво аризасидан 5 таси қаноатлантирилди, 1 таси эса ҳозир суд томонидан кўриб чиқилмоқда.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида 23 нафар шахнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 235 миллион 615 минг 726 сўмдан ортиқ маблағ ундирилишига эришилди.

Навбахор ҚУДРАТОВА,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг  
Хоразм вилояти кенгаши бош мутахассиси

**Таассурот****МЕХНАТКАШЛАРНИНГ  
ОВОЗИ, ТАЯНЧИ  
ВА УМИДИ**

«Маданият ва маърифат» телеканалда намойиш этилган «Ўзбекистон касабаси уюшмалари: кеча, бугун, эртага» номли тарихий ҳужжатли фильми мароқ ва фахр билан томоша қилдик. Унда касабаси уюшмаларининг ўрни ва миссияси кенг қамровда, тарихий манбалар, ҳужжатлар ва ҳаётини мисоллар асосида очиб берилган. Айниқса, 2025 йилда касабаси уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги нишонлангани, бу давр машаққатли, бироқ шарафли бўлгани фильмда жуда чиройли баён этилган.

Давлатимиз раҳбарининг касабаси уюшмалари фаоллиги билан учрашуви тарихий воқеа сифатида талқин қилинган бежиз эмас. Президентимизнинг «*Ҳеч шубҳасиз, биз эришадиган натижаларда халқчил ва катта нодавлат ташкилотли бўлган касабаси уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор, буни ҳис этишимиз, буни биламиз ва буни қадраймиз*», деган сўзлари фильмнинг гоёвий ўзагига айланган. Бу фикр касабаси уюшмаларининг Янги Ўзбекистон тарққийидаги ўрни давлат сиёсати даражасида эътироф этилаётганини яққол кўрсатади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «*Мана шу тарихнинг сўнгги саккиз йили асрларга татигулик давр бўлди*», деган сўзларидан эса замонавий ислохотларнинг миқёси ва мазмунини яна бир бор ҳис қилдик. Бу фикр Амир Темур даврида қўтарилган байроқнинг рамзий давомчиси сифатида Янги Ўзбекистон

байроғи яна ҳилпирай бошлагани билан образли уйғунлаштирилган. Ҳужжатли фильм томошабинни XX аср бошларига – 1905 йилда темирйўлчилар иш ташлаши орқали меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун кураша бошлаган даврга етаклайди. Хотин-қизлар масаласи илк бор кун тартибига чиққани, жадидларнинг касабаси уюшмалари ташкил этишдаги ўрни, мактаблар очилгани тарихий далиллар билан ёритилган.

Фильмда Катта Фарғона канали қурилишида, Иккинчи жаҳон уруши йилларида касабаси уюшмаси ходимларининг госпиталлар ва болалар уйларида кўнгилли сифатида хизмат қилгани, инсонпарварлик анъаналари чуқур илдизга эгаллиги таъсирли баён этилган.

2025 йилда бошланган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури ҳукумат – касабаси уюшмалари – иш берувчилар ҳамкорлиги, уй-жойларни адолатли тақсимлаш, хотин-қиз-

ларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳожирларининг юртимизга қайтиши ва иш билан таъминланиши борасидаги ишларга бағишланган эпизод ташкилот жамият ҳаётида катта куч эканини намоён қилган. 11 ноябрь – Касабаси уюшмалари куни, деб эълон қилиниши эса бу ҳаракатга бўлган юксак эътибор ва ҳурмат рамзи сифатида ёфодаланган.

Сирасини айтганда, фильм касабаси уюшмалари фаолиятга берилган оддий ҳисобот эмас, балки инсон қадри, адолат ва ижтимоий ҳамжиҳатлик гоёларига бағишланган тарихий солномадир. У кеча ва бугунни боғлаб, эртанги кунга ишонч уйғотади. Томошабин фильмни кўриб, бир ҳақиқатни янада теран англайди: касабаси уюшмалари меҳнаткашларнинг овози, таянчи ва умидидир.

**Гулсара ҚУРБОНОВА**,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси  
Хоразм вилояти кенгаши раиси

**Сўранг, жавоб  
берамиз...**

**САВОЛ:** Бу йил аҳолини рўйхатга олиш ишлари бошланиши ҳақида ўқиб қолдим. Агар даромад тури, қишлоқ ҳўжалиги бўйича фаолиятимиз ва бошқа шахсий маълумотларимизни тўлиқ берсак, улар солиқ идораларига ёки бошқа ташкилотларга берилмаслигига кафолат борми?

**Алишер МАХМУДОВ**  
Тошкент шахри

**МАЪЛУМОТЛАР  
СИР САҚЛАНИШИГА  
КАФОЛАТ БОРМИ?**

**ЖАВОБ:** Албатта. Чунки аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш тадбири доирасида тўлланадиган маълумотлар бошқа ташкилотларга тақдим этилмайди. Зеро, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги қонун билан кафолатланган бўлиб, улар ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

Аҳолини рўйхатга олиш шунчаки статистик рақамлар ёки маълумотлар йиғиндиси эмас, аксинча, мамлакат ривожланишини аниқ ҳисоб-китоблар билан илмий асосда режалаштириш, пировардида ижтимоий ҳаётни яхшилаш учун муҳим пойдевордир.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



**Бефойда сўзни кўп айтма,  
Фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма.**

**Алишер Навоий**

**Фаолиятга назар****ҲАММА ҲАРАКАТ  
ИШОНЧНИ ОҚЛАШ УЧУН**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча жабҳаларда бўлгани каби ижтимоий соҳада ҳам туб ислохотлар даври бошланиб, инсон қадрини эъозлаш, унинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, меҳнатнашлар манфаатини таъминлаш бўйича улкан қадамлар ташланди.

Айни пайтда бизнинг Бирлашган қўмита тизимида 35 минг нафардан ортиқ аъзо бор. Албатта, бу касабаси уюшмалари ҳаракатига бўлган ишонч ва эътибор юқори эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам касабаси уюшмалари ҳаракатига бўлган ишонч ва эътибор юқори эканини яна бир бор тасдиқлайди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам касабаси уюшмалари ҳаракатига бўлган ишонч ва эътибор юқори эканини яна бир бор тасдиқлайди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам касабаси уюшмалари ҳаракатига бўлган ишонч ва эътибор юқори эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари

оромгоҳлар ва санаторийларда соғломлаштирилиши, дам олиши, ижтимоий муқофот ва моддий ёрдам билан қўллаб-қувватланиши борасида ижобий натижаларга эришилди. Иш ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, компенсация ҳамда кафолатли тўловлар, меҳнат интизоми ва муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт тадбирларининг жамоа шартномасига мувофиқ бажарилишини назорат қилиш механизми тизимли олиб борилди. Хусусан, қўмитани ҳақ томонидан ўтган йили иш ҳақидан муддатли ўтган қарздорликка барҳам бериш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Термиз шаҳридаги «Сурхон ипаги» МЧЖ бошланғич ташкилотиде мавжуд бўлган 549,2 млн. сўм миқдориде қарздорлик тўлиқ бартарал этилди.

Қарздорликни қисқартириш ва ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қўмита томонидан иш берувчиларга 5 та расмий талабнома, суд ва прокуратура органларига ҳам тегишли ҳужжатлар киритилди. Шунингдек, меҳнат ҳуқуқлари юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида энг кам иш ҳақи стандартлари бўйича ҳар ой учун мониторинг йўлга қўйилган.

Меҳнаткашларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобла-

нади. Бу йўналишда 2024-2025 йиллар давомида меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари томонидан 28 та бошланғич касабаси уюшмаси ташкилоти фаолияти ўрганилиб, уларда ўнлаб хато-камчиликлар борлиги аниқланди. Олтинсой тумани ободонлаштириш бошқармаси, «Амударё» ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, вилоят «Тоза ҳудуд» унитар корхоналарида касабаси уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш борасида талабчанлик сусайгани оқибатида 3 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган.

Корхона ва ташкилотларда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш талаб даражасида эмас, меҳнат муҳофазаси комиссиялари айрим касабаси уюшмаси ташкилотларида номини тузилган, улар аслида фаолият юритмапти. Ушбу масала 2026 йилда Бирлашган қўмита томонидан устувор вазифа этиб белгила-ниб, жиддий нуқсонларни бар-тароф этиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

«Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 228 нафар аъзо учун юртимиздаги Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди. «Еш касб эгаси», «Устоз-шоғирд анъаналари» каби мавзулардаги маданий-маънавий тадбирларда ёшлар қўллаб-қувватланди.

**Ҳамид ҚЎЗИМУРДОВ**,  
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабаси уюшмаси  
Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси раиси

**Бор бўл, оқибат**

Йўл-патруль хизмати ходимлари ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг туманли, байрам ва дам олиш кунларида ҳам тиним билмай ишлашади. Бу касб нафақат билим, балки сабр, масъулият ва матонат ҳам талаб қилади.

**«ЭСЛАГАНИНГИЗ  
БИЗ УЧУН  
ТАСАЛЛИ»**

Ўтган йил ноябрь ойида бахтсиз ҳодиса юз берди. ИПХ ходимлари Наманган вилояти Давлатобод тумани ҳудудида ҳаракатланиб келаётган «Onix» русумли автомашинага тўхташ ишораси беришганида, тегишли ҳужжатга эга бўлмаган ҳайдовчи уларга бўйсунмасдан қочиб уринади.

Шу вақтда рация орқали олдинроқда хизмат олиб бораётган катта сержант Ваҳобжон Мўминовга машинани тўхтатиш чорасини кўриш бўйича хабар берилди. У ҳайдовчига тўхташ ишорасини берган вақтда, юқори тезликда ҳаракатланаётган «Onix» уриб юбориб, оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда, эндигина 43 ёшда қарши олаётган ИПХ ходими калхонада вафот этди. 3 нафар норасида фарзанди бўзлаб қолди.

Ватан ҳимоячилари кунни муносабати билан бир гуруҳ хизматдошлари ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси Наманган вилояти кенгаши ходимлари Ваҳобжон Мўминовнинг хонадо-нида бўлиб, ота-онаси ва

оила аъзоларидан кўнгил сўрашди ва улар билан дилдан суҳбатлашди. Бир пиёла чой устида марҳумнинг инсоний фазилатларини ёдга олишди, фарзандларига совғалар топширишди.

– Ўғлимни хотирлаб келганингиз учун раҳмат, – дейди Ваҳобжоннинг дадаси Абдували ака Мўминов. – Болам сизлар билан бир сафда хизмат қилди. Эслаб-йўқлаганингиз биз учун катта тасалли. Кунни кеча муҳтарам Президентимизнинг фармони-нига кўра ўғлим «Жасорат» медали билан тақдирланганини эшитиб, кўнгилимиз тоғдек кўтарилди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси Наманган вилояти кенгаши томонидан Ватан посбонлари кунни муносабати билан ИИБ йўл-патруль хизмати ходимлари фарзандларига болалар театри учун бепул чипталар берилди.

**Зафарбек ЖўРАЕВ**,  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси  
Наманган вилояти кенгаши раиси

**ХОДИМЛАР ЗОМИНДА**

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан «Тошкент трактор заводи» МЧЖнинг бир гуруҳ ходимлари Зоминда бўлишди. Саёҳат давомида улар тумандаги диққатга сазовор жойларни зиёрат қилишди.

– Ўтган йили мустақиллик байрами муносабати билан ҳам ходимларимиз учун икки кунлик саёҳат ташкил қилинганди, – дейди касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Гулшарин Юлдибоева. – Бу сафар Зоминга бориш насиб этди. Ходимлар хурсанд, саёҳат уларга авло кайфият бағишлади.

Касабаси уюшмаси раисининг айтишича,

бундай тадбирларни йил давомида амалга ошириш режалаштирилган.

**Шерали ҲОЖИМУРДОВ**,  
Металлургия ва машинасозлик  
саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилояти масбул ташкилотчиси

**Саёҳат****Оламда бутун****АҚШ назорат  
пакетига эга бўлади**

Қўшма Штатлар Арманистон билан ҳамкорликда ташкил этилаётган TRIPP Development Company компаниясида назорат пакетига эга бўлади. Мазкур компания республика ҳудуди орқали ўтадиган транспорт йўлаги (Зангезур йўлаги) инфратузилмасини шакллантиради. Озарбайжоннинг асосий ҳудудини Нахичеван билан боғлайдиган лойиҳа 2025 йили Арманистон ҳамда Озарбайжон ўртасида АҚШ воситачилигида имзоланган тинчлик келишувининг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Марко Рубио ва Арманистон ташқи ишлар вазири Арарат Мирзояннинг қўшма баёнотида маълум қилинди. Эришилган келишувларга мувофиқ, компания улушининг 74 фоизи

АҚШга, 26 фоизи эса Арманистонга тегишли бўлади. Лойиҳани ривожлантириш ҳуқуқи 49 йил муддатга берилди ва уни яна 50 йилга узайтириш имконияти бор. Ушбу муддат тугагач, Арманистон улуши 49 фоизга оширилади.

**Нефть урушни**

Саудия Арабистони, Уммон ва Қатар Эронда давом этаётган норозиликлар ортидан мамлакатга эҳтимолли зарба берилишининг олдини олиш мақсадида АҚШга таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда.

The Wall Street Journalнинг хабар беришича, Форс кўрфазини давлатлари вакиллари Вашингтонни Эрондаги беқарорлик жаҳон нефть бозорларида кескинликни юзага келтириши ва АҚШ иқтисодиётига сезиларли

Эзгулик салгина чекинса – бас, унинг ўрнига дарҳол ёвузлик мустаҳкамланиб олади.

Чингиз Айтматов

## Долзарб мавзу

– Бу аъна ўзи бизда бор. Халқимиз табиатни «она» дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти. Шунинг учун «Яшил макон» лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона табиатни асрашга ҳисса қўйиши керак, – деган эди Президентимиз 2024 йил 23 ноябрь кунини «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида барпо этилган янги боққа кўчат экиш чоғида.

# «ЯШИЛ БЕЛБОҒ»:

## НОҚУЛАЙ ИҚЛИМ АЙБДОРМИ ЁХУД МАСЪУЛИЯТСИЗ МАСЪУЛЛАР?

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йилларда мамлакатимиз бўйлаб 700 миллион тупдан ортиқ кўчат ва буталар экилди. Ерга қадалаётган ёш ниҳоллар кўп дилларни қувонтиргани, «энди ҳаммаёқ ям-яшил бўлади», дея эзгу ниётлар жўш ургани рост. Бироқ уларнинг салмоқли қисми кўп ўтмасдан қуриб қолишни бошлади. Масалан, ўтган йилнинг баҳорида экилган 137 миллион туп кўчатнинг 27,5 миллион тупи ёки 20 фоизи қуриб қолганини баҳор ва ёз ўртасида иссиқ кунлар тез келиб қолгани билан изохлаш қанчалик тўғри? «Яшил макон» лойиҳаси – бир кунлик ҳисобот учун қилинадиган иш эмас, айтиш глобал хавф олдидаги энг долзарб, ҳар кунлик жараёнга айланиши керак эмасми?

Тошкент вилоятида 4 йилдан буён 65 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўр-кўрона, агротехник билимсиз суқилган ва ўз вақтида парваришланмаган ниҳолларнинг деярли ярми қуриб қолди. Лекин кейинчалик бу бўйича илмий таъсириялар, ҳулоса ва кўрсатмалар асосидаги ишлар натижасида ниҳоллар нобуд бўлиши сезиларли даражада камайди.

Вилоят пойтахтга ёндошлиги сабабли 2024 йилнинг куз мавсумида Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларида 20 гектар, Юқоричирчиқда 15 гектар, Ўртачирчиқ, Зангиота туманларида 12 гектар, Тошкент, Қибрай туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳрида 10 гектар ер танланиб, «Яшил белбоғ»лар барпо этилди. Оҳангарон туманидаги йўллар четига экилган кўчатлардан фарқли ўлароқ, бу ердаги йўл ўзини тутиб кетди.

Қарийб икки йилдан буён Оҳангарон йўлининг икки ёқасига «Тошкент тажрибаси» асосида кўчатлар экилмоқда. Аммо, афсуски, уларнинг ярми қуриб қолаверади.

Хўш, салкам 24 километр масофадаги йўл бўйида барпо этилиши лозим бўлган «Яшил белбоғ» нима сабабдан тўлиқ кўкариб, томир отмаяпти?

Тўғри, туманда сув танқис, лекин вилоят ҳокимининг топириги билан ниҳолларни томчилаб сугориш учун махсус бочкалар жойлаштирилган, механик усулда сув етказиб туриш кўзда тутилган эди-ку!

Афсуски, 2025 йил ҳам ёзнинг жазирама иссиғи, сугоришга мўлжал-

ланган резервуарларнинг сув билан тўлдирилмаслиги, масъулларнинг эътиборсизлиги оқибатида кўп кўчатлар бой берилди. Ваҳоланки, уларни турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, озиклантириш, ўз вақтида сугориш учун масъул ходимлар бириктирилган эди.

Вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош бошқармаси шўба мудири Бекмурод Сайфуллаевнинг айтишича, ҳақиқатан ҳам, Оҳангарон туманидаги А-373 йўли ёқаларига икки йилдан буён 4 миллион тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчати ўтқазилган. Бироқ уларнинг деярли ярми қуриб қолган. Оҳангароннинг ерлари унумдор, аммо сув танқис. Шу боис ўтган йилнинг кузидаги экиш ишларида «гидрогель» полимер маҳсулотидан фойдаланилди, сувсиз ҳудудларда қудуқ қазини ишлари йўлга қўйилди ва қуриб қолган кўчатлар ўрнига сувсизликка чидамли бўлганлари экилди.

Яна бир муҳим маълумот шуки, 2025 йилда вилоятда айнан кўчатларнинг парвариши юзасидан 43 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, масъулларга жами 100 миллион сўмдан зиёд миқдорда жарима қўлланилган.

Рақамлардан йўқотишларга фақат иқлим эмас, масъулларнинг масъулиятсизлиги ҳам сабаб эканини англаш қийин эмас. Айни пайтда кўчат экиш бўйича Оҳангарон ва Бекобод туманлари, Чирчиқ ҳамда Бекобод шаҳарлари ортада қолган. Бошқарма масъули бунинг ушбу ҳудудларда саноат корхоналарининг кўпчилиги, улар «Яшил белбоғ» бўйича белгиланган режани бажармагани туфайли туман-шаҳарлар кўрсаткичи орқада қолаётгани билан изохлади. Маълум бўлишича, уларга оғоҳлантириш хатлари юборилган.

Тоғли ҳудудларда, айниқса, сугориш ишлари муаммоли ҳисобланади. Шу сабабли Бўстонлик туманидаги ерлар турли вазирилик ва бошқа идораларнинг 32 тасига тақсимлаб берилган ва улар томонидан қарийб 30 миллион туп ниҳол экиш режалаштирилган. Бу ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

– Муаммоли ҳудудларда кўчатларни махсус «Гидрогель» номли полимер билан биргалликда экиш йўлга қўйилди, – дейди Бекмурод Сайфуллаев. – У ўзида намликни сақлайди, тупроқ қурганида илдизни сув ва бошқа моддалар билан таъминлайди. Новдалар ўсишини тез-

лаштиради, ўсимликнинг қурқоқчилик ва турли касалликларга чидамлилигини оширади. Кузда экилган кўчатлар нисбатан иқлимга яхши мослашганлиги сабабли баҳорги режа куз фаслида амалга ошириляпти. Утган йили 10 миллион туп кўчат экилди.

Кўчат экиш ва парваришlash агротехникаси ҳақида ҳам маълумотлар олиш мақсадида салкам 40 йиллик тажрибага эга агроном, Тошкент давлат кўчатчиликка ихтисослашган ўрмон хўжалиги бўлим бошлиғи Шухрат Дадажонов билан суҳбатлашдик.

– Афсуски, кўп корхона ва ташкилотлар ҳисобот учун кўчат экса бўлди, унинг ўз вақтида ва тўғри сугорилиши, парвариши эътиборсиз қолди, – дейди у. – Эканда ҳам ўранинг чуқурлиги, қўйилган сувнинг тортилиши, илдизи шикастланмаслиги ёки тупроқ яхшилаб босилиши каби омилларга аҳамият беришмайди. Ёзда кўчатларни тонг саҳарда ёки кечки пайт сугориш зарур. Аммо кун қизганида ҳам сугориш оқибатида илдизларга қайноқ сув қилиб, кўп кўчатлар нобуд бўляпти. Янги экилган ниҳолга, айниқса, дастлабки 1-2 йилда мунтазам сув керак. Айрим жойларда кўчатлар фақат акция пайтида сугорилади, кейин эса эътиборсиз қолади. Экилгач, кимдир уни мунтазам парвариш қилиши зарур. Бироқ кўчатларнинг кейинги тақдири билан масъулларнинг иши бўлмаяпти.

Тошкент вилояти республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан серсув ҳудуд, тупроғи ҳам унумдор. Ушбу қўлайликлардан оқилонга фойдаланиб, Нурафшон шаҳрида қисқа муддат ичида «Янги Ўзбекистон», «Медиа ходимлари ва ижодкорлар», «Зиёлилар», «Яшил келажак», «Депутатлар» каби ўнлаб боғлар бунёд этилди. Айни вақтда ушбу жойларда минглаб кўчатлар парваришланмоқда. Шундай бўлса-да, айрим масъулларнинг бир ёқадан бош чиқармай, ишга панжа орасидан қарашли оқибатида юқоридагидек дилни хира қилувчи ҳолатлар учраб тургани ачинарли.

Аслида яшилликни орттиришдаги асосий муаммо фақат иқлимда эмас, балки ижро, парвариш ва назоратдадир. Агар ҳар бир экилган ёш ниҳолга виждонан, жиддий эътибор билан қаралса, катта натижаларга эришамиз.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА  
«ISHONCH»

## Фототанқид



## НАВОИЙДА ЯГОНА, АММО ҚАРОВСИЗ

Навоий вилоятининг қадимий ва навқирон Кармана тумани йил сайин чирой очмоқда. Лекин, минг афсуски, унинг гўзаллигига путур етказётган ҳолатлар ҳам бор. Улардан кўз юмиб бўлмайди. Гап вилоятда ягона бўлган ер ости ўтиш йўлига хусусида бормоқда.

Бир вақтлар серқатнов автомобиль йўлидан ўтиш учун энг хавфсиз жой шу ер ҳисобланарди. Уша кезлар у жой пойабзал таъмирловчи косиблар, мева-чева, майда-чуйда сотадиган савдогарлар билан гавжум бўларди. Шу боис йўлак доимо тоза ва озода турарди. Кейинчалик улар бу ерни тарк этишди-ю, туннель ташландик ҳолга келди. Аникроғи, маст-аластлар ҳожатхонасига айланди. Ундан чиқаётган қўланса хидга чидаб бўлмай қолди.

Тўғри, яқинда у ерда таъмирлаш ишлари

бошлангандек бўлди. Лекин бу шунчаки хўжақўрсинга қилинган экан, ишлар охирига етказилмади.

Балки ҳоким, бошлиқ фаоллар, тозалик бўйича маъсуллар бу ердан ўтишмас... Бироқ бюджет маблағлари эвазига бунёд этилган ушбу ер ости ўтиш йўлига ҳароб аҳволда қолиши адолатдан эмас...

Умид ХУДОЙҚУЛОВ  
«ISHONCH»

## Оғриқ тишлар

# АҲОЛИ КЎПРИКЛАР ҚУЛАБ ТУШИШИДАН ХАВОТИРДА

## Мутасаддилар эса ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти...

Қарши туманининг Чароғул маҳалласидан туман марказига олиб чиқувчи автомобиль йўлининг икки тарафини боғлаб турадиган бир жуфт кўприкнинг таянч устунлари ва плиталарида ёриқлар пайдо бўлган.

– Кўприклар шу ҳолга келиб қолганига йигирма йиллар бўлди-ёв, – дейди чароғуллик Ғолибжон Раҳмонов. – Ваҳоланки, шаҳарга борадиган энг яқин йўлимиз шу. Човқин ва Нишон орқали айлиниб борсак, 20-25 километр ортиқ масофа босимизга тўғри келади. Унинг ҳам маълум қисми яроқсиз ҳолатда. Эсимни танибманки, бу йўл бирон марта таъмирланганини кўрмаганман. Ўзимиз пул йиғиб, бир-

икки марта чуқурларини тўлдириб чиққанмиз.

Маълумотларга кўра, аҳоли хавотирга солаётган кўприклар ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Кейинчалик қатнов кўпайгани, оғир техникалар ўтиши туфайли унинг таянч устунларига зарар етган.

Масъулларнинг бундан хабари бор, албатта. Аммо улар кўприкларни таъмирлаш учун Автомобиль йўллари қўмитаси маблағ ажратилиши керакли-

гини айтишмоқда. Айни пайтда лойиҳа-смета тайёрланиб, қўмитага юборилган экан.

– Кўприклар 2026 йилнинг 2-3 чорағида таъмирланади. Йил бошида эса, Чароғул – Бешкент автомобиль йўлининг 3 километрлик қисмини асфальтлаш режалаштирилган, – дейди туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси бош муҳандиси Наврўз Бердиев.

Насиб этса, мутасадди айтиётган кунларга ҳам етармиз. Ваъдалар бажарилиши ёки акси бўлишини ўшанда билиб оламиз.

Баҳодир ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

Америкалик тадбиркор Илон Маскка тегишли SpaceX компанияси интернетнинг узиб қўйилгани боис Эронда сунъий йўлдош алоқаси – Starlinkдан бепул фойдаланиш имконини берди.

## Чегарасиз алоқа

Voombergнинг хабар беришича, SpaceX ўз хизматлари учун абонент тўловини бекор қилган. Натижада Эронда Starlink терминаллари бор фуқаролар алоқадан бепул фойдаланиш имконига эга бўлишди.

NetBlocks интернет мониторинги хизмати маълумотларига кўра, Эронда норозиликлар бошланганидан буён бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб интернет хизматлари тўлиқ ўчирилган. Бу эса аҳолини ташқи ахборот манбалари ва алоқа воситаларидан тўлиқ маҳрум этган.

## Тийиб турибди

зарар етказиши мумкинлиги ҳақида оғоҳлантирилмоқда. Айниқса, жаҳон нефть таъминотининг тахминан бешдан бир қисми ўтадиган Ормуз бўғози орқали кемалар қатновининг издан чиқishi катта хавотир уйғотмоқда.

Нашр манбаларига кўра, Ар-Риёд Техронни эҳтимолий можарода иштирок этмаслиги ва АҚШ томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган зарбалар учун ўз ҳава ҳудудини тақдим этмаслигига ишонтирган.

Шунингдек, Саудия Арабистони минтақадаги кескинликнинг ошишидан манфаатдор эмаслиги боис маҳаллий ОАВга Эрондаги норозиликларни кенг ёритмаслики тавсия этгани қайд этилмоқда.

## Гренландия сотилмайди

Гренландия бош вазири Йенс-Фредерик Нильсеннинг таъкидлашича, агар ҳозир ва шу заҳоти танлов қилиш керак бўлса, орол аҳолиси Қўшма Штатлар назоратига ўтишдан кўра, Дания билан алоқаларни сақлаб қолишни маъқул кўради.

Дания бош вазири Метте Фредериксен билан қўшма мабуот анжуманида очиқланган ушбу баёнот АҚШ президенти Дональд Трампнинг оролни эҳтимолий аннексия қилиш ҳақидаги сўзларига жавоб тариқасида янгради.

Ваҳоланки, Дональд Трамп Қўшма Штатлар миллий хавфсизлиги нуқтаи назаридан Гренландияга «эгаллик қилиши» лозимлигини анчадан бери таъкидлаб келмоқда ва бунга эришиш учун куч ишлатишга ҳам тайёр. Копенгаген эса бундай вазият трансатлантик хавфсизлик тизими асосларини издан



чиқаришидан хавотирда. Дональд Трампнинг фикрича, Гренландия ҳукумати

раҳбарининг мазкур позицияси у учун «катта муаммо»га айланиши мумкин.

Оламғир ОТАЁРОВ тайёрлади

**Сизга узатилган ҳамма қўлни тутаверманг,  
чунки инсон ниқобидаги неча шайтонлар бордир.  
Жалолiddин Румий**

**Орамиздаги одамлар**

# САОДАТ АЯНИНГ САХОВАТ УЙИ

Қамаши туманида бир онахон яшайди. Унга ҳамма «Ҳожи ая» деб му-рожаат қилади. Бу аёл фермер, 60 гектар ерда пахта ва галла экади. Чоғроқина боғи ҳам бор. 60 сотих майдонда иссиқхона ташкил қилиб, лимон етиштиради. Келин-куёвлар учун «Бахт саройи» мажмуасини барпо этган.

Саодат аянинг тумандош-лари орасида обрўси оши-шига савобталаблиги сабаб. Онахон 32 йил муқаддам ёлғиз кексаларга бошпана бўлсин деб, саховат уйи ташкил этган. У бир қарашда оддий хонадонга ўх-шайди. Аммо бу масканда тақдир синовларини бошидан кечирган, меҳрга зор қалблар йиғилган. Айни пайтда бу ерда 15 нафар отахон ва онахон бир оила бўлиб яшамоқда.

Малоҳат Темированинг (исми ўзгартирилган) бу дароғҳа кел-ганига бир йилдан ошди. У Ғузор

туманида туғилган. 25 йилдан зиёд ҳокимият тизимида меҳнат қилиб, котибалиқдан кичик раҳ-барлик лавозимларига бўлган йўлни босиб ўтган. 36 ёшида тур-мушга чиқиб, 38 ёшида оналик бахтига эришган. Бироқ 19 йил-лик турмушдан сўнг умр йўл-доши вафот этди. Ниҳожи ко-нунийлаштирилмагани сабабли, яшаб турган уйдан чиқариб юборилади. Шу сабаб ота хона-донига қайтишга мажбур бўлади. Бироқ у ерда ҳам доимий яшаш имкони бўлмагани туфайли иж-рага уй қидиради. Тегишли идо-

раларга муурожаат қилади, аммо муаммосига ечим топилади.

Ниҳоят, тақдир Малоҳат опани Қамашидаги саховат уйига етаклаб келади. Бу ерда уни очик кўнгли билан қабул қилишади. Шундан бери мазкур масканни ўз уйи, деб билади.

Бу уйда кексалар бирга овқат-ланади, суҳбатлашади, ҳаёт таж-рибалари билан ўртоқлашади. Бир-бирларига суянч бўлиб, вақт-ларини мазмунли ўтказишга ҳа-ракат қилишади. Ҳалима Эл-матова ҳам шу саховат уйида яшайди. Унинг айтишича, со-глиги ёмонлашгач, ёлғиз қолган.

– Турмуш ўртоғим вафот этгани-дан кейин қўллаб туришга одам то-пилмади. Фарзандим йўқ. Бу ерда эса доимий парваршиш ва эътибор бор. Ўзимни инсон сифатида ҳис қиляпман, – дейди у.

Маълумотларга кўра, 1992 йилда ҳомийлар кўмагида барпо этилган мазкур саховат уйида шу кунга қадар 100 нафардан ортик нуруний умр кечирган. Вафот эт-ган қариялар ҳам шу жамоа то-монидан охириги манзилга куза-тилган. Байрам кунлари эса ҳо-мийлар томонидан турли хайрия тадбирлари ўтказилади.

– Инсон кексайганда, энг ав-вало тинчлик ва меҳрга эҳтиёж сезади. Биз шу эҳтиёжни конди-ришга ҳаракат қиламиз, – дейди Саодат Ҳамидова.

Бугун бу уйда яшовчи ҳар бир қариянинг кўзларида ўтмиш аламлари сезилса-да, қалбида шукроналик бор. Чунки улар бу гўшада қадр ва меҳр топган.

**Баҳоидр ҲАЛИМОВ**  
«ISHONCH»

**Таълим**

Бугунги глобаллашув даврида жамият тараққиёти, энг аввало, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, маънавий етуқлиги ва фуқаро-лик позицияси билан белгиланади. Ахборот технологиялари шиддат ёшларнинг дунёқарашини, қадриятларини ва ҳаётга муносабатини кес-кин ўзгармоқда. Шу боис олий таълим муассасалари олдида фақат касбий билимни мутахассис эмас, балки маънавий баркамол, му-тақил фикрлайдиган ва жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган шахсни тарбиялаш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда.

# МУШТАРАК МАҚСАД МАСЪУЛИЯТИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таълим соҳасида олиб борилаётган ислохот-ларда таълим ва тарбиянинг уз-вий боғлиқлигига алоҳида урғу бериб, «Таълим-тарбия – кел-ажамиз, ҳаёт-мамат масаласи», дея таъкидлаб келмоқда. Бу ғоя таълим соҳасидаги барча ис-лохотларнинг мафқуравий асо-сига айланган. Чунки замонавий билим ва технологияларни ўз-лаштирган кадр тайёрлаш қан-чалик муҳим бўлмасин, маъна-вий иммунитетга эга бўлмаган ёш авлод жамият тараққиётига тўлақонли ҳисса қўша олмайди.

Сўнгги йилларда олий таъ-лим тизимида ёшлар билан ишлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақ-садида қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, маъна-вий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими эндиликда ёшлар масалалари ва маъна-вий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, деб ўзгар-тирилди. Бу мазмунан чуқур ис-лоҳот бўлди. Натijaда ёшлар сиёсати олий таълим муасса-салари фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига ай-ланди.

Энди биринчи проректордан ёшлар муҳитини чуқур таҳлил қилиш, муаммоларни барвақт аниқлаш, профилактика иш-ларини йўлга қўйиш ва талабалар ташаббусини қўллаб-қувватлаш каби қатор масалалар ечими та-лаб этилади. Ушбу лавозим уни-верситетда ёшлар сиёсати учун шахсан жавобгар раҳбар мақо-сини олди. Бу эса, таълим му-ассасаларида маънавий-маъри-фий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади, ал-батта.

Олий таълим тизимида яна бир муҳим амалиёт жорий этилди. Бундан буён ректор-лар ҳар ойда талабалар билан очик ўрнлашувлар ўтказишади. Бу ўрнлашувларда талабалар ўз муаммолари, тақдиф ва таша-бусларини бевосита раҳбария-тга етказиш имкониятига эга бўлишади. Амалиёт шуни кўр-сатмоқдаки, бундай мулоқот-лар талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда масъулият ва дахлдорлик ҳис-сини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Раҳбариятнинг ёшлар ҳаёти, муаммолари ва интилишларидан хабардор бў-лиши қўллаб масалаларнинг ўз вақтида ечим топишига замин яратмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, олий таълим муасса-саларида тўтотлик институ-тининг жорий этилиши ҳам ёшлар билан ишлашда му-тақилоқ янги ҳаётнинг шакл-лантириди. Тўтот – талабанинг ўқув фаолияти, ижтимоий ха-

ёти, маънавий ривожини ва шах-сий камолотини билан бевосита шуғулланидиган мураббий. Тў-торлик тизими орқали талаба-лар ўз муаммосини яширмасдан айта оладиган, маслаҳат сўрай-диган шахсга эга бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ўз-гаришларнинг амалий самар-расини Чирчиқ давлат педаго-гика университети мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Уни-верситет ректори, Ўзбекистон фан арбоби Ғофуржон Мухаме-дов раҳбарлигида ёшлар билан ишлаш тизимини равишда таш-кил этилган. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, педагогика фанлари доктори, профессор Самаридин Қораев ҳам ўз йўналишида эътирофга лойиқ ишларни амалга ошир-моқда.

Айни пайтда университетда ёшлар билан ишлашга ихтисос-лашган ўн нафардан ортик му-тахассис фаолият юритмоқда. Факультетлар кесимида декан-нинг ёшлар масалалари бўйи-ча ўринбосарлари тарбиявий жараёнларни узлуксиз назорат қилиб боришади. Шунингдек, 50 нафарга яқин тўтот тала-балар билан бевосита ишлаб, уларнинг бўш вақтини маз-мунли ташкил этиш, тураржой ва ижара масалаларида кўма-клаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бо-расида астойдил хизмат қил-моқда.

Университетда китобхон-лик кенг тарғиб қилиниб, маъ-навий-маърифий тадбирлар, турли спорт мусобақалари ҳамда маданий лойиҳалар мун-тазам ўтказиб келинмоқда. «Бир зиёли – бир маҳаллага маъна-вий ҳомий» тамойили асосида маҳаллалар билан ўзаро ҳам-корлик йўлга қўйилиб, талаба-ларнинг ҳаётий тажрибаси ва фуқаролик позициясини шакл-лантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Чир-чиқ давлат педагогика уни-верситетида ёшлар билан ишлаш тизими расмий тадбирлар бил-дан чекланиб қолмапти. У аниқ натижа берувчи, ёшларнинг маънавий камолотини ва ижтимоий фаоллигини таъминловчи самарали механизмга айлан-моқда. Бу жараёнда биринчи проректор институти ҳал қил-увчи ўрин тутиб, таълим ва тарбия уйғунлигини таъмин-лашда муҳим бўгин вазифасини бажармоқда.

**Жаҳонгир ЮРСИНБОВЕВ,**  
Чирчиқ давлат педагогика университети  
Ёшлар билан ишлаш,  
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

**Мулоҳаза**

## «ОПА, СИЗ ЁЗМАНГ, ЁЗОЛМАЙСИЗ!»

Ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида ўзим гувоҳ бўлган воқеа ҳали-ҳануз эсимдан чикмайди...

Бир гуруҳ навқирон шоирлар Мухаммад Юсуфни ўраб олиб, шеърларини ўқишар, у эса, қаламқашлар ишларини баҳолаб, камчиликларини айтар, маслаҳатлар берарди.

Навбат ёши ўттизларга яқинлашиб қолган аёлга етди. Унинг ёзганларини тинглаб эканман, ҳаёлимдан «Бу шеър эмас-ку, маъно заиф, янги фикр йўқ» деган ўй кечди. Бошқаларнинг юзла-рида ҳам қоникмаслик ифодаси намоён эди. Орага чўккан жимликни Мухаммад Юсуфнинг овози чақмоқдек бузди: «Опа, сиз ёзманг, ёзолмайсиз!»

Бу гапдан аёлнинг кўзлари ёшга тў-либ, ўзини кўрага жой тополмай қолди. Мен эса ўшанда элнинг суюкли шои-рининг қаҳри қаттиқлигидан ҳайратга туш-ганман. Узимча, «Назм аҳли кўнглининг қули бўлади, сал аяса бўларди, энди бош-қа кўлига қалам тутмас керак» деган фи-қрга борганман.

Орадан анча йиллар ўтиб, раҳматли Мухаммад Юсуф тўғри қилганини англа-дим. Бундай хулосага вилоят газетасида ишлаб юрган кезларим турли ёшдаги ижодкорлар билан мулоқотларим даво-мида келганман.

Бир сафар мактаб ўқувчиси шеърла-рини кўрсатар экан, улар газетда чоп этилиши учун нима қилиши керакли-гини сўради. Мен битикларига кўз югу-ртирар эканман, бу қиз шеърят дунёсига бегона эканлигини ҳис этдим. Лекин ши-жоатини, кўнглини синдириб қўймайлик учун авайлаб, ифода этган фикрларининг сийқаси чиқиб кетганини, шоир ёзиши эмас, яратиши кераклигини, курак қофия ҳеч нарсани англамаслигини тушунтир-дим.

Ўз навбатида, у ижоди мукамалли-гини, ҳозиргача иккита китоб чиқарган-ини, устози – мен биладиган ўртамиё-на шоир шеърларини таҳрир қилиб, яхши баҳолаганини, ҳали катта шоир бў-лишини, яна китоблар чиқаришини бил-дирди. Тортишиш бефойдалигини сез-гач, уни таҳририятнинг хатлар бўлимига йўналтирдим.

Орадан ҳафта ўтар-ўтмас, ўша ўқувчи-нинг устозини учратиб қолдим. У шоги-рининг шеърларини газетда ёритиш ке-раклигини уқтира бошлади:

– Биламан, бу шоирнинг шеърлари яхши эмас. Сизга ҳам ёқмас, у ёқ-бу ёқини рандаланг. Муҳими, унинг отаси

тадбиркор, пулингизни беради. Фарзан-дининг қораламаларини таҳрир қилиб, китоб ҳолида чоп этишга тайёрлаб бер-ганим учун менга яхшигина ҳақ тўлаган. Нашриёт ва босмахонадагиларни ҳам хур-санд қилган. Қиз эса китоблари билан танловларда қатнашиб, ғолиб бўлмоқчи. Хуллас, бу ёғи бизнес...

Орадан йиллар ўтди. Ўша қиз инсти-тутни тамомлади, китоблари 5-6 тага етди. Ҳозир давраларда уни шоира, деб таништиришади, «ижодкор» эса шеърла-ридан намуналар ўқиб беради. Ҳеч нарса ўзгармаган бўлса-да, устозининг ҳам, босмахонадагиларнинг ҳам кайфияти яхши.

Аммо улар чиқарган бу китобларни ҳеч ким ўқимайди. Чунки улар ижод маҳсули эмас, завқ бермайди, яратик йўқ. Энг ачи-нарлиси, охириги пайтларда бунақа асар-лар кўпайиб қолди. Кимдир тарихда қо-лиш учун ўзи ҳақида китоб ёздирипти, кимдир уч-тўртта манбадан оз-оздан кў-чириб, илмий рисола муаллифига ай-ланяпти. Ҳатто, ёзганлари ўта савия-сиз эканлигини англаш даражасида бўл-маганлар ҳам китоб чиқаряпти. Бундай «ижод аҳли» шаклланишига зиёлилар, жамоатчиликнинг Мухаммад Юсуф каби кескин равишда «Сиз ёзманг, ёзолмай-сиз!» дея олмаётгани сабаб бўляпти. Биз эса, «Сиз шунча қороз, эсиз шунча меҳнат ва ҳаражат» дейишдан нарига ўтмаяпмиз.

Ёзганлари билан эл меҳрини қозо-ниши мумкин бўлган, аммо «Китобхон ўқирмикан?» деган истиқолага бориб асарларни бостиришдан тортинаётган-лар кўплигини ҳам биламан. Қолаверса, ўқувчи ўз хоҳиши билан харид қилмаган китоб китоб эмас. Ҳеч ким ўқимагач, бу «асарлар» жавонларда чанг босганча ту-риб қолади, охири-оқибат қорозлар уюмига айланади ва қайта ишланади...

Демоқчи бўлганим, мабодо, китоб ёзиш ва чиқариш ниятида бўлсангиз, ол-дин яхшилаб ўйлаб кўринг, эплотмасан-гиз, адабиётнинг нуфузига путур етказ-май, қобилиятингизга яраша иш қилинг...

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**  
«ISHONCH»

**Табият ва биз**



## Қабутарлар ҳам ранжийди

Биласизми, хат ташувчи қабутарлар неча юз йиллар давомида одамларга садоқат билан хизмат қилган. Бир пайтлар улар энг ишончли «алоқа воситаси» бўлган. Бугун эса радио ва телеграф, поезд ва самолётлар, айниқса, қўлимиздаги митти қўти – телефон бу вазифани аъло даражада бажаряпти.

Ҳа, ҳар қандай манзилга бир зумда хабар етказиш мум-кин бўлган замонда хат ташувчи қўшлар хизматига ҳоҳат қолмади. Лекин Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида истиқомат қилувчи Олим Жўраев учун қабутарлар шунчаки қўш эмас, унинг ҳаётининг бир бўлаги. Шу боис қарий 20 йилдан буён қабутарлар парварши билан шуғулланиб кел-лади.

– Қабутарлар жуда ўткир хотирага эга, – дейди О.Жўраев. – Улар бир марта кўрган одамнинг юз тузили-шини умрбод ёдидан чиқармайди. Масалан, ўзини ран-житган одамни эслаб қолади ва қайтиб ўша инсоннинг қаршисида пайдо бўлмайди.

Айни пайтда Олим Жўраев юздан ортик қабутарни парварши қилмоқда. Унинг айтишича, юртимизда қабу-тарларнинг сақиз тури учрайди. Асл қабутарлар уруғи-дан кўк ёки ёввойи қабутар, тоғ қабутари, қора қабутар, клинтух ва гов қабутар мавжуд. Гурраклар уруғидан эса гуррак, қатта гуррак, қумри ва мусича кенг тарқалган. Асосан, кўк қабутар энг оммавий ҳисобланиб, хонаки қабутарларнинг насл боши сифатида эътироф этилади.

Олим Жўраев неваралари қўршовида қабутарларга дон берар экан, бу манзара беҳтиёр инсонни ўйга тол-диради. Бу ерда фақат қўшларга бўлган меҳр эмас, балки авлоддан-авлодга ўтаётган табиятга эҳтиром, қўшларга ғамхўрлик туйғуси ҳам мужассам.

**Умид ХУДОЙҚУЛОВ**

Таваккал Қодиров ижросида  
**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!**  
«Тошкент ироқи» куйида  
«Изларман» кўшиғи

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки,  
бир Лайлоши изларман,  
Жамоли гул, сочи сунбул,  
кўзи шаҳлони изларман...

Мусиқ ваэзали

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:  
**Qudratilla RAFIQOV**  
(tahrir hay'ati raisi).  
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMLOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)  
Bosh muharrir  
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:  
Alijon ABDURAHMONOV  
Mudohir:  
Dilorom XUDOYBERGANOVA  
Sahifalovchi:  
Hasan ABDUJALILOV  
Bosishga topshirish vaqti – 01:30  
Topshirildi – 01:50  
Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail:  
ishonch1991@yandex.uz  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.  
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

**Umumiy adadi 35 382 ta**  
**Shundan: 6 788 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –  
**Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;**  
**19 415 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –  
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**  
**9 179 nusxasi**  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –  
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-111  
1 2 3 4 5 6